



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 22 май, № 99 (5519)

Сешанба

Мамлакатимизда:



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Сирдарё

“Гулистон фарм саноат” масъулияти чекланган жамияти жамоаси қўшимча имкониятларни ишга солиш асосига маҳсулот экспорт қилиш ҳажмини тобора ошираётди.

Экспорт ҳажми ортимоқда

— 2011 йилнинг биринчи чорагида 184 минг 152 АҚШ долларлик экспорт амалиётини бажарган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 321 минг АҚШ долларига етди, — дейди корхона раҳбари Уткир Юлдашев. — Биз тайёрлаётган калава ипнинг сифати яхшиланганлиги сабабли хорижий хамкорларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Айни пайтда Россиядаги “Ўзтекс”, “ТДЛ Текстиль” ва “Райтекс” каби корхоналар асосий мижозларимиз ҳисобланади. Шуниси диққатга сазоворки, вилоятдаги саноат корхоналари шу йилнинг дастлабки уч ойида 29 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришдилар.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий

Навоий шаҳридаги “Kimyo-servis-Navoiy” масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий мутахассислар томонидан яратилган илгор технологиялар асосида оловга чидамли шамот тигиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Илгор технологиялар асосида

Таъкидлаш керакики, 1300 даража иссиқликка чидамли ушбу маҳсулот кон-металлургия ва бошқа саноат тармоқларида кен қўлланилади. Шу пайтга қадар у хориждан келтирилган эди.

— Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида 161 миллион сўмлик худди шундай маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари, техника фанлари номзоди Адиз Раҳматов. — Пировардида 87,4 минг АҚШ долларлик валюта тежаллишига эришилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Узун туманилик Рисолат Пардаевнинг касби — тикувчилик. Шу пайтга қадар яққа тартибда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган ишбилармон аёл яқинда ўз фаолиятини кенгайтириб, “Садо ҳеҳра” хусусий корхонасини ташкил этди.

Болажонлар учун кўркем либослар

Бунда банкнинг 60 миллион сўмлик кредити қўл келди. Қисқа фурсатда бу ерда 10 нафарга яқин коллеж битирувчилари томонидан замонавий тикув машиналари ёрдамида болажонлар учун бежирим кийим-кечаклар тайёрлаш ўзлаштирилди. — Маҳсулотларимиз сифатини яхшилашга ҳамда унинг дизайнинга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди Рисолат Пардаева.

— Шу боис чеварларимиз қўлидан чиқётган кийим-кечаклар ички бозорда ўз харидорини топиб улгурди. Айни пайтда улгуржи мижозларимизнинг 20 минг донна буюртмасини бажаряёلمиз. Тез орада ўз маҳсулотларимизни хорижга ҳам сотишни режалаштирганмиз.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд

Самарқанд туманида паррандачиликка ихтисослаштирилган “Меҳр саодати” Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонаси иш бошлади.

Янги корхона иш бошлади

Айни пайтда хорижий замонавий технологиялари билан жиҳозланган корхонада 10 мингга яқин бройлер жўжалари парвартиш қилинмоқда. Корхона тўла қувватга эришгач, бу ерда саноат усулида 100 мингтагача товуқ боқиш имконияти юзага келади. Яъни ишлаб чиқариш ҳажми ўн баробарга ортади. Мухими, ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида 30 та иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш керакики, “Меҳр саодати” иш бошлаши билан туманда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 16 тага етди.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«СУРҒИЛ» ЛОЙИҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ПАКЕТИ ИМЗОЛАНДИ

Тошкент шаҳрида 2012 йил 19 май куни «Ўз-Кор Газ Кемикал» қўшма корхонаси ва кредиторлар консорциуми ўртасида газ қазиб олиш ва нефть-кимё мажмуаси соҳасидаги «Сурғил» кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича кредит ва лойиҳа битимлари пакети имзоланди.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши 2016 йилдан бошлаб йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газ, 400 минг тонна юқори зичликдаги полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна пиролиз бензини ишлаб чиқариш, бевосита мажмуанинг ўзидан мингдан ортиқ янги иш ўрни яратишни таъминлаш имконини беради.

Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. «Ўз-Кор Газ Кемикал» қўшма корхонасининг таъсисчилари — Жанубий Кореянинг «KOGAS», «Honam», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компаниясининг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи тўғридан-тўғри инвестициялари, шунингдек, чекланган регресс ҳуқуқи ва кредитларни 16 йил муддатда қайтариш шарти билан лойиҳавий молия-

лаштириш тамойиллари асосида жалб қилинган умумий суммаси 2,54 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи кредит ресурслари лойиҳани молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Жумладан, лойиҳа бўйича заёмли молиялаштиришни ташкил этишда Осиё тараққиёт банки, Корея Республикаси тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки, Европа ва Осиёнинг Корея молия корпорацияси, «ING» (Нидерландия), «KfW» ва «Bayern LB» (Германия), «Credit Suisse» (Швейцария), «Nordea» ва «SEK» (Швеция) каби ва бошқа бир қатор етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳада иштирок этаётган банкларга сурғурта қопламалари тақдим қилган экспорт-кредит агентликлари иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Эътибор

Шоҳруҳ Ҳўжаниёзов Хоразм вилоятининг Хонқа туманида истиқомат қилади. Унинг мақсади — бу йил олий ўқув юртига кириб, билим олиш билан бир қаторда ўз бизнесини йўлга қўйиш.

«Менинг бизнес ғоям»

Кунни кеча ана шу эзгу орзу ижобат бўлди. Яна ҳам аниқроғи, Шоҳруҳ “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда мамлакатимиздаги бир қатор банклар ҳамкорлигида ташкил этилган “Менинг бизнес ғоям” танловида ғолибликни қўлга киритиб, 6 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлди.

— Коллежда санъат йўналиши бўйича таҳсил олсам-да, бизнес режа тузиб, тadbиркорлик соҳасида мустақил иш бошлашни кўндан буюн ният қилиб юрар эдим, — дейди у. — Ўтган йили қишлоқдаги ҳовлимизда шунчаки ҳавасга қуён боқдим. Уйлаб қарасам, қишлоғимизда ҳеч ким кўёнчилик билан шуғулланмас экан. Ваҳоланки, унинг гўшти ниҳоятда фойдали, териси тайёр хом ашё. Устига-устак, бу жонивор тез кўпаяди — бор-йўғи 28 кунда болалайди. Демак, кўёнчилик фермасини ташкил этиш ҳам ўзим, ҳам қишлоғимиз аҳли

учун фойдали, деган тўхтамга келдим. Шундай ўйда бир оз маблағ ҳам жамғариб қўйдим, аммо бу иш бошлаш учун етарли эмас эди. Бахтимга коллежамизда “Менинг бизнес ғоям” танлови эълон қилинди ва унда иштирок этишга қарор қилдим...

Дарҳақиқат, мазкур лойиҳа ёшларни кичик бизнес ва тadbиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, уларнинг иқтисодий билим ҳамда кўникмаларини ошириш, илгор тақлифлари, режаларини қўллаб-қувватлаш, қолаверса, жойларда янги иш ўринлари яратиш мақсадида ташкил қилинган. Эътиборлиси, бу йил иккинчи бор ўтказилган танловда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 28 минг нафардан зиёд битирувчилари қатнашди. Яқиний босқичда эса 74 нафар энг фаол ўқувчи ўзининг бизнес ғояларини илгари сурди.

(Давоми 2-бетда).

Модернизация:

Иқтисодий юксалишнинг муҳим омили

Заминимизда етиштирилган пахта толаси сифат кўрсаткичлари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини банд этиб келади. Бу эса мамлакатимизда энгил саноат тизимини янада ривожлантириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда. Албатта, мазкур жараёнда пахтани қайта ишлаш ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарнинг ҳиссаси бекиёс.

Интилиш

Улар босқичма-босқич модернизация қилиниб, илгор ва тежамкор технологиялар билан таъминланаётган, фаолияти йилдан-йилга кенгайиб бораётган юртимиз экспорт салоҳияти юксалишини таъминлаяпти.

Богот туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Коттоптex” қўшма корхонаси фаолияти бунга мисол бўла



олади. Мазкур корхона 2007 йилнинг октябрида калава ип ишлаб чиқариш билан фаолиятини бошлаган эди. Ушундан бу ерга қорайдан 1 миллион 200 минг АҚШ долларлик замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Мажмууд цехлар замонавийлаштирилди. Кўп ўтмай, жамият маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорлари-

ни топди. Буюртмалар кўпайиши билан ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш эҳтиёжи юзага келди. Шу асосда корхонанинг 112 кишилик жамоаси модернизация ишларига киришди. Пировардида 2009-2010 йиллар мобайнида “Коттоптex”га 2 миллион 425 минг АҚШ долларлик инвестиция жалб этилиб, техник ва технологик янгиланишлар

амалга оширилди. Янги қувватлар ишга туширилиб, маҳсулотлар сифатини янада яхшилашга эришилди. Пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг йиллик ҳажми 3000 тоннага, калава ип ишлаб чиқариш қуввати 2400 тоннага етди. Бинобарин, 25 та қўшимча иш ўрни ҳам яратилди.

(Давоми 2-бетда).

Тadbир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юртимиз тинчлигини мустаҳкамлаш, элимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилгандир.

Юртга садоқат ифодаси

Бунда республикамиз ички ишлар тизимида, хусусан, маалаки кадрлар тайёрлаш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган чора-tadbirlar муҳим аҳамиятга эга. Яратилган мустаҳкам ҳуқуқий-меъриий ва ташкилий пойдевор, жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 19 июлдаги Фармони бу борада самарадорлигини оширишга шароит яратди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ички ишлар идоралари мутахассисларини тайёрлаш замон талаблари асосида тақомиллаштирилди. Шу жумладан, Сержантлар таркибинини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилиб, уларда ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари учун мутахассислар етказиб бериш йўлга қўйилди.

Бугунги кунгача мазкур даргоҳда 15 та йилгини ўтказилиб, уларда патруль-пост, йўл ҳаракат хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнгини хавфсизлиги ва бошқа йўналишлар учун сержант-кадрлар тайёрланди. Айни чоғда битирувчилар ички ишлар тизимида масъулиятли вазифаларни шараф билан бажариб келишмоқда. Бу эса тизим профессионал кадрлари негизи мустаҳкамланиб бораётгани, жамоатчилик тартиби ишончли қўлларда эканлигининг тасдиғидир. Булар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ўқув-дала полигонидида Сержантлар таркибинини тайёрлаш бўйича олий курслар курсантларининг хизмат қасамёдини қабул қилишга бағишланган тантанали маросимда алоҳида таъкидланди. Унда вазирилик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Юксак ташкилотчилик ва кўтаринки кайфият муштараклиги



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Нафосат. Латифат. Гўзаллик. Баркамоллик... 18-20 май кунларида пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича юксак савияда ўтказилган Жаҳон кубоғи босқичи ҳамда “Нарру Саған” халқаро турнирида ана шундай фазилатлар яна бир бор ўз ифодасини топди.

Бадий гимнастика

Буни нафақат иштирокчилару мутахассислар, балки ҳаяжонли лаҳзаларга бевосита гувоҳ бўлган мухлисларнинг таассуротларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон гимнастика

федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган мазкур нуфузли мусобақаларда Жанубий Корея, Индонезия, Франция, Россия, Озарбайжон, Мексика, Бразилия, Болгария, Миср, Венесуэла каби 18 давлатдан 120 нафардан

зиёд энг кучли спортчилар ғолиблик учун куч синашди. Айни чоғда мазкур нафосат ва гўзаллик бахсларида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Албатта, булар мамлакатимизнинг барча худуд-

лари — шаҳару қишлоқларида спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантириш йўлида яратиб берилаётган улкан ғамхўрликнинг амалии самараларидир. Бугун юртимиз чиройига чирой қўшиб турган кўркем спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортилари, сузиш ҳавзалари, гимнастика марказлари соғлом авлодни, иқтидор эгаларини тарбиялаб, уларнинг мана шундай нуфузли мусобақаларда юртимиз шашини улуғлайдиган етук спортчилар бўлиб

етишишларига хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган, дунё тажрибасида кузатилмаган ноёб тизим — уч босқичли спорт ўйинларининг ҳам бунда муносиб ўрни бор. Негаки, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган “Умид ниҳоллари”, академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсил олаётганларнинг “Баркамол авлод” ҳамда олий ўқув юртилари талабалари иштирокидаги Универсиада мусобақалари асосида баркамол авлод орзуси ушалмоқда.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Хизмат



Ҳар бир мамлакат тараққиётида мустақкам молия-банк тизимининг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун ҳам у иқтисодийнинг қон томирига қўйилади. Республикада истиклол йилларида банк тизими ривожига катта эътибор қаратилаётганлиги боис молия муассасаларининг капиталлашуви тобора ошди, барқарор ривожланмоқда. Натигада тижорат банклари иқтисодиёт тармоқларини молиявий қўллаб-қувватловчи асосий манбага айланиб бораётти. "Ипотека-банк" очик акциядорлик ипотека тижорат банки фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

«Ипотека-банк»:

Тадбиркорнинг молиявий мададкори

Айни кунларда мазкур банк ва унинг филиаллари томонидан йирик sanoat корхоналари, кичик бизнес субъектлари ва жисмоний шахсларга сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, одамларнинг банкка бўлган ишончини ошириб, миқозлар сафи кенгайишини таъминлаётди. Хусусан, банкнинг Бекобод филиали томонидан 2011 йил давомида 300 га яқин миқозларга 34,1 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Эътиборлиси, миқозларнинг салмоқли қисми кичик бизнес субъектлари бўлиб, ушбу соҳага йўналтирилган сармоялар ҳажми 6,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Бунинг эвазига 86 та иш ўрни яратилди. Кўрсатилаётган молия-



вий кўмак натижасида ишбилармонлар сафи кундан-кунга кўпайиб, ички бозор юртимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Бекобод шаҳридаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Алишербек Файз Савдо" хусусий корхонаси

ана шундай субъектлар сирасига кириди. 2005 йилда ташкил этилган ушбу корхона маҳсулотларига талаб катта. Шу боис у 2009 йилда маҳаллий модернизациялаш дастурига киритилиб, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Бунда "Ипотека-банк" Бекобод филиалидан ажра-

тилган 43 млн. сўм миқдордаги кредит кўл келди. Мазкур маблағ эвазига Россиядан махсус ускуналар сотиб олинди. Пировадда бу ерда ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотларининг сифати яхшиланиб, ҳажми ортди.

— Ҳозирги кунда 20 дан ортиқ дўконлар, ҳарбий қисмлар ҳамда бошқа ташкилотларга шартнома асосида нон ва нон маҳсулотлари етказиб бераямиз, — дейди корхона раҳбари Ҳасан Назаров. — Шаҳар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадига эса гавжум худудлар, хусусан, деҳқон бозорига замонавий дўкон очиш ҳаракатида. Унда кенг турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилади.

Шу мақсадда корхона фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун яна "Ипотека-банк" Бекобод филиалининг ёрдамига таянилади. Гап шундаки, олинган қарзни муддатидан олдин қайтаришга муваффақ бўлган корхонага қўшимча 72 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Шунинг ҳисобига замонавий технологик ускуна ҳа-

да ҳар 40 дақиқада 320 дона қолипчи нон пишириш мумкин. "ПГВ-600" ускунаси эса уни элаб, ҳамир сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Аҳоли, хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам филиал жамоасининг диққат-эътиборида. Уларга мебель, машиш техника, электр ускуналари ва қурилиш материаллари сотиб олишларида яқиндан кўмак бериш мақсадида истеъмол кредитлари ажратиш кенг йўлга қўйилган. 2011 йил давомида истеъмол кредитларидан ташқари, 106,5 миллион сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилгани бунинг исботидир.

— 2002 йилдан буён Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат" ОАЖнинг механика-таъмирлаш цехида ишлайман, — дейди Шукур Раҳмонов. — Уй-жой сотиб олиш мақсадида "Ипотека-банк"нинг Бекобод филиалига мурожаат қилган эдим, тез орада ипотека кредити ҳисобига 4 хонали уй сотиб олиб, кўчиб ўтдик.

Бу ускуналарнинг олдингиларидан афзалликлари кўп. Масалан, пещ газ ва электр энергиясини кам сарфлайди. Унинг ёрдами-

Мухтасар айтганда, "Ипотека-банк" очик акциядорлик ипотека тижорат банки томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами тобора кенгайтирилиб, унинг сармоялари юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги, оилалар мустақкамлигини таъминлашга йўналтирилаётди.

Шухрат ЗУФАРОВ.

Ўзбекистон муслмонлари идораси

2012 йил Ҳаж мавсумида зиёратчиларга Ўзбекистон рамзи туширилган хушбичим камзул тикиб бериш учун тендер ўтказилишини эълон қилади.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Таклифлар 2012 йил 31 майгача қабул қилинади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371) 240-18-58.

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АКга қарашли «НЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ-ИНЖИНИРИНГ» унитар шўба корхонаси

2012 йилги молиявий фаолиятини аудит текширувдан ўтказишга аудитор компанияларини танловда қатнашишга таклиф этади.

Ҳисоб-китоб сўмда амалга оширилади.

Ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга жўнатишингизни сўраймиз:
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 66-уй, «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК маъмурий биноси, 2-қavat.

Маълумот учун тел./факс:
(+99871) 235-45-82, 235-35-97.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ «ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ШҲҲТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги кимёвий реагентларни сотиб олиш юзасидан 07/12-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот рақами	Кимёвий реагент номи	Миқдори
Лот № 1	3D Trassar	67 532 кг.
Лот № 2	ST 40	28 865 кг.

Тендер эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давом этади.

Ҳар бир лот учун бериладиган тендер таклифи 350 000 АҚШ доллари миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғуздор тумани, Шўртан кўрғони. Тел./факс: (+998 75) 730-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: tender@sgcc.uz

Қорхоналар ва ташқи юмталар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

денгиз тўлқини рангли галстуклар, оқ рангли трикотаж майкалар, денгиз тўлқини рангли трикотаж майкалар, кулранг трикотаж майкалар, оч жигарранг трикотаж майкалар, «қум» рангли «К» ҳарфли камуфляж погонлар.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 иш кунини давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»га тегишли кўчмас мулкларни сотиш бўйича очик аукцион савдосига таклиф қилади!

Объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоси 2012 йил 19 июнь ва 4 июль кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда бўлиб ўтади.

Очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилмоқда: умумий ер майдони 600,0 кв.м., фойдаланиш майдони 164,90 кв.м., 3 та яшаш хонаси, 2 та дахлиз, айвон, ҳожатхона ва ҳаммомдан иборат булган уй-жой.

Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Тинчлик» ҚФЙ, Ийк-ота қишлоғи, 17-уй.

Бошланғич баҳоси — 124 520 000 сўм.

Сотиш шартли: олди-сотди шартномаси аукцион якуний баённомаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида имзоланиши керак.

Тулов шартли олди-сотди шартномасига асосан: олдиндан тулов 30 фоиз, қолган қисми олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида.

Ушбу кўчмас мулк билан ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг тегишли ходими иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тухтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закатат пулини «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Қушбеги к., 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. Лицензия RR-0017.

«САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕklangан ҲАМИЯТИ

Самарқанд шаҳридаги «СамАвто» МЧЖ худудда автополигон участкаси қуриш бўйича

танлов савдолари ўтказилади.

Объектнинг бошланғич баҳоси:

- ҚҚС билан 2 863 462 034,4 сўм;
- ҚҚСсиз 2 386 218 362 сўм.

Тўлиқ маълумотни бизнинг қуйидаги сайтимиздан олиш мумкин:
WWW.SAMAUTO.UZ

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«КЧМ» ЧУЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

ШУНИНГДЕК:

КАФЕЛЬ

(девор ва пол учун)

САНТЕХНИКА

(катта ҳажмда унитаз ва қўловгичлар)

ЧУЯН, ПОЛИМЕРРАМОР ВАННАЛАР (СТУРЛИ УЛЧАМДА)

Тел./Факс: 267-35-73

Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127 zakamsk-group@mail.ru

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга такдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОСНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Том маркази

«STIL INVEST SERVIS»

- ✓ **металлочерепица** (2 вида. металл производства России)
- ✓ **профнастил** (гофр-0.17, 0.22, 0.35)
- ✓ **аксессуары для любых типов кровли**
- ✓ **вентиляционные системы**

Форма оплаты — любая.

Е-mail: **tommarkazi@mail.ru**

Телефон 300-09-05. Факс 228-55-93.

Товар сертифицирован.

Гувоҳнома № 003528-01.

САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ТАРОВИ!

«URUG-INVEST» Ўзбекистон — Сербия қўшма корхонаси такрорий экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синовдан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор

маккажўхори (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 8-10 тн/га),

кунгабоқар (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)

Аурагайлари ва соя (вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)

УРУҒЛАР ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ВА СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Уруғларини таклиф қилади.

www.semna.uz Тел: (+998977) 778-40-27, 800-83-13, 775-21-68. Факс (99871) 234-62-45.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Салим Мусурмонович Дониёровга волида муҳтарамаси **САНОБА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки бошқаруви ва меҳнат жамоаси банк фахрийши Темур Саидович Азимовга турмуш ўртоғи **СОНИЯ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

— Ўзбекистонда барча Олимпиада спорт турлари қатори бадий гимнастикани жадал ривожлантириш учун зарур инфраструктура яратилган, — дейди Бутунроссия бадий гимнастика федерацияси президенти, Халқаро гимнастика федерациясининг бадий гимнастика бўйича техник қўмитаси вице-президенти Ирина Винер. — Гўзал диёрингизга ҳар сафар келганимда, улкан ўзгаришлар ва бунёдкорликларга гувоҳ бўлам. Хусусан, жорий йилда Бадий гимнастика бўйича олимпиада заҳиралари республика болалар ўсмирлар ихтисослаштирилган мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Энг замонавий кулайликларга эга бундай база, ишончим комилки, жаҳоннинг айрим мамлакатларидагина мавжуддир. Бадий гимнастикага катта эътибор замирида эса, шубҳасиз, кизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг соғлом бўлиб камол топишларига эришишдек эзгу мақсад муҳассам. Булар, ўз

навбатига, аҳоли орасида ушбу спорт турига бўлган қизиқишни кучайтириб, бўлажак гимнастика юлдузларини кашф этиш имкониятларини кенгайтирмақда. Ўтган йилларда бадий

топти. Тинчлик, тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, соғлом турмуш тарзига нафисликнинг ўзига хос тимсолига айланган мазкур йирик тадбирда ҳар бир катнашчи бор маҳоратини ишга

си бўлди. Умумжамоа ҳисобидан вакилларимиз 104,925 балл билан кучли учликдан жой олдилар. Ўз навбатида, митти юлдузларнинг катта турнирида беларуслик Елена Болотина, Кат-

Жумладан, россиялик Алексадра Меркулованинг халқа, тўп ва булава билан амалга оширган чиқишлари ҳақамлар томонидан энг юқори баҳоланиб, учта олтин медалга лойиқ

жаришда Ўзбекистон вакиллари тўртинчи ҳамда бешинчи ўринни эгаллади. Мухтасар айтганда, барча иштирокчилар қатори ўзбекистонлик гимнастикачилар учун ҳам мазкур йирик беллашувлар ўзига хос маҳорат мактаби вазифини ўтаб берди.

Халқаро гимнастика федерацияси Техник қўмитаси эксперти, мусобақалар бош ҳақами Ноҳа Абу Шабана Бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ва "Harry Saravan" халқаро турнирини ёпиқ, деб эълон қилди ҳамда Ўзбекистон гимнастика федерациясига мусобақаларни юқори савияда ташкил этгани учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Тантанали маросим гимнастикачи кизлар ва мамлакатимиз санъат усталари иштирокидаги концерт дастурига уланиб кетди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
Сайджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Юксак ташкилотчилик ва кўтаринки кайфият муштарақлиги

гимнастика бўйича пойтахтимизда ташкил этилган Жаҳон кубоги босқичлари, Осиё чемпионати, шунингдек, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида вакилларимиз юқори натижаларни қайд этишти. Айниқсан, навоийлик спортчимиз Ульяна Трофимованинг ХХХ ёзги Олимпиада ўйинларига йўланма олгани жуда қувончли воқеа бўлди.

Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва "Harry Saravan" халқаро турнирида ҳам ана шу ёрқин анъана ўз инъикосини

солди. Уларда терма жамоамиз аъзолари ҳам совриндорлар қаторидан ўрин олгани эса барчамизни хушнуд этди.

Чунончи, мутахассислар томонидан Ўзбекистон гимнастика мактабининг умидларидан бири сифатида эътироф этилаётган Равиля Фахрутдинова "Harry Saravan" халқаро турнирининг тўп ва халқада машқ бажаришда кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритди. Яна бир вакилимиз Валерия Давидова эса лента билан кўрсатган ажойиб ҳаракатлари эвазига фахрли учинчи ўрин соҳиба-

сарина Халкина, россиялик Олия Синицина, Александр Солдатов ва озарбайжонлик Нилуфар Нуфталиева ҳам муваффақиятли қатнашди.

...Пойтахтимиз мезбонлигидаги навбатдаги нуфузли мусобақа ва халқаро турнир якунланиб, энг ҳаяжонли давлар — голиб ҳамда совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди. Жаҳон кубоги босқичи баҳсларида муваффақиятга эришган спортчилар мусиқа ва олқишлар остида майдонга кириб келдилар. Уларга олти комплекта медаллар топширилди.

Кўришди. Беларуслик Любовь Черкашина эса лента, халқа ва тўп машқларида мос равишда биринчи, иккинчи ва учинчи натижаларни қайд этди. Шунингдек, исроиллик Нета Ривкин, озарбайжонлик Алия Гараева, қозғистонлик Анна Алябеева ҳам совриндорлар қаторига кирди. Умуман олганда, кўпқираш баҳсларида А. Меркулова 116,625, Н. Ривкин 113,45, А. Алябеева 113,200 балл жамгарди.

Гуруҳ машқларининг "уч тасма, икки халқа" ва "беш тўп" деб ном олган икки турини ба-

Бундан уч йил муқаддам Гулистонда ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида умумжамоа ҳисобидан бешинчи ўринни эгаллаган қашқадарёлик ўқувчилар Навоийдаги баҳсларда кучли учталikka кириш ниятидалар.



Ғалабага бўлган иштиёқ

улкан муваффақиятлар сари етаклайди

Спортчилар оиласидан чиққан Шоҳсанам Баратова Фузур туманидаги 22-умумтаълим мактабининг 8-синфида ўқийди. Ёш бўлишига қарамай, спортга қизиқиши, қатъиятчилиги ва тиришчилик билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. У аллақачон энгил атлетика бўйича вилоят ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришган. Энди "Умид ниҳоллари"да ўз истеъдодини намойиш этади.

— Жудам хаяжонданман, — дейди Шоҳсанам. — Бўлажак беллашувлар ҳар биримиз учун бекиёс маҳорат мактаби вазифини ўташи аниқ. Шу орқали имкониятларимизни билиб оламиз, камчиликларимизни ўрганамиз. Кейинчалик машғулотларга зўр бериб, "Баркамол авлод", Универсиада баҳсларида ҳам қатнашамиз. Ҳаммаси дастлабки босқичга боғлиқ.

Ҳозир Қарши олимпия заҳиралари спорт коллежининг замонавий спорт залларида тайёргарлик кўраёмиз. Мақсадим — Навоийдан, албатта, олтин медал билан қайтиш.

Таъкидлаш жоизки, "Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақаларининг саралаш баҳсларида вилоятдаги умидтаълим мактабларига таҳсил олаётган 32 нафар ёш спортчи якуний босқич йўланмасини қўлга киритди. Шулардан 15 нафари кизлардир. Айни пайтда Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти, "Насаф" спорт мажмуаси ва Қарши олимпия заҳиралари спорт коллежида улар учун махсус жадвал асосида машғулотлар ўтказилмоқда.

— Спортнинг гимнастика тури бўйича вилоятимизнинг 6 нафар вакили иштирок этади, —

дейди Қашқадарё вилояти гимнастика федерацияси ижрочи директори Маҳфуза Раҳмонова. — Шогирдларимизнинг барчасидан умидимиз катта. Хусусан, Санжарбек Худойназаров, Шаҳзод Уралов, Мансур Бердиев, Сўғдиёна Эргашева, Назокат Каримова, Гавҳар Бердимуродова Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларининг бир неча марта совриндори бўлишган.

"Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинларининг Нишон, Шаҳрисабз, Чирокчи, Қамаш, Яқкабоғ туманларида ўтказилган саралаш босқичларида уларга тенг келадиганлар топилмади. Умуман, бу йилги мусобақаларга энг сара спортчи ёшлар танлаб олинган. Шу боис совринли ўринларни эгаллашимизга ишончимиз катта.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро турнир

Самарқандда қўл тўпи бўйича "Challenge Trophy" кубоги учун ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди.

Гандболчиларимизга тенг келадигани топилмади

Халқаро гандбол федерацияси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирига ҳамда мамлакатимиз Гандбол федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур мусобақада вакилларимиздан ташқари, Қозғистон, Туркменистон ва Тожикистондан спортчилар ўзаро беллашди.

Таъкидлаш жоизки, терма жамоамиз аъзолари ажойиб ўйинлари билан муҳтасаб мутахассисларда катта таассурот қолдиришти. Жумладан, финал йўланмасини қўлга киритган гандболчи вакилимиз сўнги учрашувда туркменистонлик тенгқурларини 32:26 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринга сазовор бўлишти. Учинчи ўрин тожикистонликларга насиб этди.

Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда ҳам Ўзбекистон вакилларига тенг келадигани топилмади. Қозғистонлик ўсмирлар иккинчи, туркменистонлик гандболчилар учинчи ўринни эгаллашди.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бандлик

Гулистон шаҳрида "Мутахассислигинг — сенинг келажигинг" касблар кўргазмаси ташкил этилди.

«Мутахассислигинг — сенинг келажигинг»

"Камолот" ЁИХ, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими ва халқ таълими бошқармалари қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган ушбу тадбирда 48 та касб-хунар коллежи ва 4 та академик лицей жамоалари ўзларидидаги мавжуд таълим йўналишлари ҳамда ўқув жараёнларини намойиш қилдилар.

Шунингдек, кўргазма доирасида меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда 42 та корхона ва ташкилот 220 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Яқунда 125 нафар коллеж битирувчисига доимий ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди.

Шомурод ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКЭНЕРГО»
давлат-акциядорлик компанияси

мамлакатимиз металлургия саноатининг барча меҳнат жамоалари ишчиларини

Ўзбекистон Республикаси кончилиги ва металлургия саноати ходимлари кўни

билан чин кўнгулдан табриклайди!

Барчага соғлиқ ва бахт, мамлакатимиз учун янги изланишлар борасида омадлар ва меҳнат ютуқларини тилайди!

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудада совуришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KUCHMAS MULIK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқариш доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига кўнғироқ қилинг ва улар билан тўридан-тўри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказилаётган савдоларда шакланган ҳақиқий нарҳлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нарҳда сотилиши кафолатланган.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KUCHMAS MULIK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

«KUCHMAS MULIK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

«KUCHMAS MULIK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 30 декабрдаги 11-1134/20400-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 7-уй, 28-хонадонда жойлашган, умумий майдони 154 кв.м. бўлган, 3 қаватли бинонинг 1-қават қисми қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 184 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 22 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнларини соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 20 июнь кўни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KUCHMAS MULIK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МИФО: 01036, СТИР: 207122519.

Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирадлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилган, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишиланган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оринов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Ф. Шералиев. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5